

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ДИНИЙ ВА ТАСАВВУФИЙ ҚАРАШЛАРИ**Қосимов Козимжон Исоқович**

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7063970>

Аннотация. Мақолада XX аср ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий қисқача ҳаётий фаолияти ва унинг айрим ижтимоий-публицистик мақола ва асарлари асосида унинг Ислоҳ асослари ва диний-тасаввуфий қарашларини таҳлил этишига ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Қуръон, ҳадис, тасаввуф, жаҳид адабиёти, қодирийшунослик, “таваккалту алоҳ”, “таваккул”, нақшбандия, яссавия, тариқат.

РЕЛИГИОЗНО-МИСТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АБДУЛЛЫ КАДИРИ

Аннотация. В статье делается попытка проанализировать основы ислама и религиозно-мистические воззрения Абдуллы Кадири, основоположника узбекской романистики XX века, на материале его краткой биографии и некоторых общественно-публицистических статей и произведений.

Ключевые слова: Коран, хадисы, суфизм, современная литература, кадиристские учения, «таваккалту алаллах», «таваккул», нақшбандия, йассавия, тариқат.

RELIGIOUS AND MYSTICAL VIEWS OF ABDULLAH QADIRI

Abstract. The article attempts to analyze the foundations of Islam and the religious and mystical views of Abdulla Kadiri, the founder of the Uzbek novelism of the 20th century, on the basis of his brief biography and some public and journalistic articles and works.

Keywords: Koran, hadiths, Sufism, modern literature, qadirist teachings, “tawakkaltu alallah”, “tawakkul”, nakshbandiya, yassaviya, tarikat.

КИРИШ

Кишилик жамиятининг маънавий муҳитини ҳолисона ёритишда унга ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ёндашув атрофлича, кенгроқ мушоҳада қилиш имконини беради. Шу маънода, XX аср ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида унинг яратган асарларида илгари сурилган ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик ғояларини янгича дунёқараш ва илмий методологияга таянилган ҳолда ҳолис, тўлақонли ёритиш бугунги кун олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Мухтарам Президентимизнинг “Энг муҳими, фарзандларимизда ёшлик чоғидан бошлаб китобга меҳр қўйиш, мустақил фикр юритиш, мураккаб ҳаётий вазиятларда тўғри жавоб топиш кўникмасини шакллантиришимиз, бунинг учун тегишли ташкилий ишларни амалга оширишимиз даркор”[1] – дея таъкидлаган фикрларига таянганда Абдулла Қодирий дунёқарашини, унинг адабий ва ижтимоий-публицистик меросларининг фалсафий жиҳатлари талқинини ёритиш бугунги кун ёшлари, кенг китобхонлар учун ҳам аҳамиятлилик, зарурийлик даражасини оширади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мавзунинг илмий ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги пайтда тарихимизнинг мана шу яқин ўтмиши бутун тафсилотлари билан ҳолисона таҳлил этилаётган бир пайтда Абдулла Қодирийнинг ҳам ҳаёти, маънавий меъроси кенгроқ миқёсда тарихчилар, адабиётшунослар томонидан ўрганилиб оммага эълон қилиниб келинмоқда. У. Тешабоева

масъул муҳаррирлигида 2019 йил нашрдан чиққан “Мангуликка даҳлдор адиб”[2] (А.Қодирий таваллудининг 125 йиллиги. А.Навоий номидаги Миллий кутубхона нашр.) номли рисолада келтирилишича, Абдулла Қодирий мавзуси бўйича ҳозиргача 634 ва ундан дан ортиқ илмий ишланмалар эълон қилинган бўлиб, аксарияти адабиётшунослик, тилшунослик нуқтаи-назаридан ёндошилган тадқиқот натижаларидир. Адибнинг маънавий меросини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш ёки биз мақсад қилган мавзунинг ёритишга қаратилган бирор илмий ишланма, илмий диссертация ёки монография деярли, йўқ ҳисоби.

Биз мурожаат қилган ушбу мавзу Қодирийшуносликдаги дастлабки, илк қадам ҳисобланади. Уни ёритишда Мамлакатимизнинг тадқиқотчи олимларидан Р.Х.Рузиеванинг “Абдулла Қодирий ижодида миллий ва умуминсоний маданий кадриятлар уйғунлигининг фалсафий таҳлили” номли диссертацияси [3] ва Л.Тошмухамедованинг “Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари” мавзусидаги диссертация ва автореферати [4] ва бошқа кўплаб манбалар ўрганилиб таҳлил этиб борилди.

Тадқиқот мақсади. Абдулла Қодирийнинг Ислом дини асослари ҳамда диний ва тасаввуфий қарашларини таҳлил этиш.

Тадқиқот методологияси. Мавзунинг ёритишда уни тарихийлик, мантиқий тамойиллик, детерминистик ёндашув ва дискурс таҳлил усулини қўлладик.

Тадқиқот натижалари. Маълумки, яқин ўтмишимиз – тоталитар тузуми ва коммунистик мафкура тазйиқи туфайли жаҳидчилик ҳаракатининг йирик вакиллари (Мунавварқори Абдурашидхонов, Чўлпон, Фитрат ва б.) томонидан миллий давлатчиликка хос кадриятларимизни сақлаб қолишга қаратилган саъй-ҳаракатлари кескин қораланиб, улар қатағон қурбонларига айлантирилган. Ўзбек адабиётининг йирик вакили Абдулла Қодирий ҳам жаҳид адабиётининг бош мавзуси ҳисобланган миллат қайғуси, ўз халқининг маънавий қиёфаси, дунёқараши, унинг анъана, удум ва кадриятларини ўзида жамлаган ўзбек фалсафасини ёритиб бериш, уни сақлаб қолиш, тарғиб этиш каби мақсадларини ўзининг беназир ва бетакрор асарларида кўрсата олган жаҳид вакилларида бири бўлиб у ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида амалдаги тоталитар тузум мафкураси билан муроса қилиш, келишиш йўлини танлаган эди. Гарчанд, ўз ғоялари, юксак тафаккур меваларини очиқлик билан баён эта олмаган бўлса ҳам, у 1923 йилда ижодкор, ҳамфикр дўсти Ғози Юнус билан бир “қулки жаридаси” (сатирик) – “Муштум” журналининг ташкил этиб, унда жамиятда юз бераётган барча нопокликларни кескин танқид остига олади. Зотан, унинг барча ижтимоий-публицистик мақолаларида адибнинг ўз замонаси ва воқеликка нисбатан ёрқин, ҳаётий позициясини кўриш, англаш мумкин.

Буюк ўзбек адиби ва мутафаккири Абдулла Қодирий (1894-1938) беш жилдлик асарларининг[5] чоп этилиши ижодкорнинг ғоят мураккаб, кўпқиррали фаолияти, ижтимоий-фалсафий, диний-тасаввуфий, бадиий-эстетик қарашлари ҳақида тўлароқ маълумот олиш, тадқиқ этиш имконини беради. Мамлакатимиз тараққиётининг кейинги 4-5 йиллик тарихида шаклланаётган Янги Ўзбекистоннинг янгича дунёқараши улуғ аждодларимиз мероси, ҳаёт ва камолот босқичларини илмий холислик билан ҳаққоний тадқиқ этиш учун қулай шарт-шароит яратди. Бунинг ёрқин далили Абдулла Қодирий шахси, маънавий мероси, уни вояга етказган ва уни илмий-ижодий, фалсафий ва бадиий-

эстетик маҳорати гуллаб-яшнаган қирқ тўрт ёшида унга замондош, маслакдош зиёлиларни қатли ом қилган мустабид тузумнинг жирканч башараси, ёвузлиги ҳақидаги бор ҳақиқат рўй-рост айтилаётган, Қодирий шахси, ижодини холис ўрганишга бўлган маънавий эҳтиёжнинг ортиб бораётганлигидир.

Таниқли адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Гафуров мазкур беш жилдликка ёзган “Қодирий сиймоси” номли сўзбошида таъкидлаганидек, Абдулла Қодирий ўзининг бутун борлиғи билан “кураш, виждон, эрк тимсолидир”. [6]

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Абдулла Қодирий шахсининг шаклланишида отаси Қодирмуҳаммад бобонинг авжи йигитлик даврида Тошкент бекларининг сарбози бўлиши ҳам, Қўқон хонлари давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни чуқур билиши ҳам, рус мустамлакаси истибдодининг жонли гувоҳи, большевиклар ҳукуматининг қарор топиши йилларидаги норозиликлари ҳам, унга яқин замондош бўлган Мискин, Тавалло, Камий, Хислат сингари ижодкорлар билан бўлган ижодий ҳамкорлик, қариндош-уруғчилик муносабатлари ҳам, Бехбудий, Авлоний, Чўлпон сингари жадидчи-ижодкорлар билан яқинлик, Алексей Толстой, Е.Э.Бертельс, Поливанов сингари рус олимлари, ёзувчилар билан ижодий мулоқот – ана шуларнинг бари муҳим роль ўйнаган.

А.Қодирий XX аср бошларидаёқ Туркистон халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этган, 1917 йил февраль буржуа революциясини Туркистон халқлари озодлиги йўлидаги муҳим ижобий ҳодиса сифатида олқишлаган ижодкор сифатида кўзга ташланди.

Афсуски, собиқ совет жамиятида танҳо ҳукм сурган материалистик фалсафа шахсининг шаклланиши ва маънавий камолотида диний дунёқараш, имон-эътиқоднинг ўрни ва ролини инкор этди. Ҳозирги замон жаҳон фалсафаси ва мамлакатимизда шаклланаётган янгича дунёқараш ҳар қандай цивилизацияли тараққиёт асосини дин белгилигани сингари имон-эътиқод инсон шахсининг асоси ва муҳим омили эканлигини эътироф эта бошлади. [7]

Мамлакатимиз олимлари Абдулла Қодирий асарларини асосан адабиётшунослик, санъатшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этдилар. Бироқ ҳозиргача буюк адиб ва мутафаккирнинг диний ва тасаввуфий қарашлари файласуфлар томонидан тадқиқ этилмади.

Юқорида тилга олинган Абдулла Қодирий асарлари беш жилдлигининг учинчи жилди “Диёри бақр” деб номланган бўлиб, унга ижодкорнинг 1910, 20- 30-йилларда “Садойи Туркистон”, “Қизил байроқ”, “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон” газеталари ва “Муштум” журналида чоп этилган илмий, публицистик мақола, ҳикоя, пьеса, фельетонлари жой олган бўлиб, уларни таҳлил ва тадқиқ этиш мазкур мақола мавзуини ёритиш, ўрганиш имконини беради.

1894 йили Абдулла Қодирмуҳаммад бобо ва Жосият биби хонадонидан иккинчи ўғил бўлиб дунёга келганида отаси 72 ёшда эди. 12 ёшга тўлгунига қадар бешта мулладан илм ўрганади ва савод чиқаради. 1904-1906 йиллари Эски шаҳардаги Абулқосим мадрасасида ўқиди. Бироқ иқтисодий аҳволнинг ночорлиги туфайли одамлар уйда ишлаб, пул топишга мажбур бўлади ва бу ҳақда А.Қодирий: “Мени 12 ёшимда бир бойга хизматчиликка бердилар. Хўжайиним ўзи саводсиз бўлиб, ўрисча ёзув-чизув биладурган одамга муҳтож эди. Шу таъмада бўлса керак, 1908 йили мени ўрис мактаби (рус-тузем

мактаби) га юборди. Мактабдан қайтиб келганимдан сўнгра хўжайинимнинг хизматини қилиб юрганим учун мактабдан тегишли истеъфода ололмадим, икки йил мундоқ хизматда юриб чидай олмасдан ота-онамга ёлбориб, ўз уйимга қайтиб келдим. Ва уйимдан бориб ҳалиги мактабда ўқиб юрдим”. Мактабнинг вазифаси ўқувчиларга русча ёзиш ва ўқишни, чиройли сўзлашни, бойлар дўқонида иш қоғозлари юритишни ва таржимонлик қилишни ўргатиш эди. Рус-тузем мактаби тўрт йиллик бўлиб. Унда ислом илми бўйича диний билимлар (Қуръон ўқитиш қоидалари) ва рус тили грамматикаси, саводли ёзиш, ифодали ўқиш, ҳуснихат, форс тили ва ҳисоб илми (арифметика) ўқитилган.

Абдулла Қодирий ислом дини, Қуръон, Ҳадис ва бошқа илмларни пухта эгаллаган уламо сифатида обрў топади. Муҳим диний масалалар бўйича давра суҳбатларида фаол иштирок этади. Диний ва тасаввуфий мавзуларда мақолалари остига “Мулла Абдулла”, “Мулла Жулқунбой”, “Муҳиббут тариқат Жулқунбой” (Тариқатни севувчи Жулқунбой) каби таҳаллуслар билан имзо чекади.

Абдулла Қодирий бутун ҳаёти, фаолияти ва ижоди давомида диний ишонч ва эътиқодига содиқ қолди. Мусулмончиликнинг фарз ва суннат амалларини тўла адо этди. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари, “Обид кетмон” қиссасининг барча ижобий қаҳрамонлари ислом маърифати билан қалби нурланган комил инсонлар эдилар.

Абдулла Қодирийнинг диний ва тасаввуфий қарашлари “Муштум” журнали, “Қизил байроқ”, “Туркистон” газеталарида чоп этилган “Икки оғиз тасаввуфдан ҳам бўлсин. Ҳангома”, “Нафси шайтон”, “Миси чикди” каби мақолаларида ўз ифодасини топди. Улуғ мутафаккирнинг “Таваккалту Алолоҳ”ни деган эр-на талқону на қалқоннинг ғамин ер. Ўзбек шоири” номли мақоласи эътиборга лойиқдир. Муаллифнинг ёзишича, мазкур байтнинг мазмуни ва моҳиятини чуқурроқ текширсак, тарихнинг кўп асрлик қаърига, варақ-варақ тарихий бахтсизликка, ал-Мийсоққа, ниҳоят, Одам Атога етиб борамиз.

Абдулла Қодирий одамларнинг илмсизлиги оқибатида ислом тасаввуфининг “Таваккалту алолоҳ” мақомининг мазмуни ва моҳияти бузилган ва буни оқлаш учун турли ривоятлар яратилган. “Ровийларнинг ривоятларига қараганда, деб ёзади А.Қодирий, - алмисоқ куни бир фариштанинг кўлида “Ал-ҳаракату фал барака” (Ҳаракатда барака бор” (Ҳадис); иккинчи фариштанинг кўлида “Ман таваккал фатасаққал” (“Ким таваккалчи бўлса, дангаса бўлиб қолади”) деган шиорлар кўтарилибдур. Шул вақтда жарчи чақирибдурким: “Эй, арвоҳи бани Одам (Одам Атонинг болалари) ушбу икки шиордан биттасини қабул қилишга эркиндирсизлар!”

Қарабсизки, арвоҳи миллати нажиб ўзбек “Ман таваккал фатасаққал” шиорини ушлаган фариштанинг устига тутдек тўкилиб:

“Таваккалту алолоҳ” деган эр –

На талқону на қалқоннинг ғамин ер! –

Деган байтни ўқиб, етти қат кўкни титратибдирлар. Бу даъвомизни тарих билан исбот қилиш бўлуб, аммо далил ва исботни халқимиз ва тирикчилигимизнинг ўзидан олганда яна абжақ. Кимнинг оғзига қулоқ солсанг, “Бўлса бўлар – бўлмаса ғовлаб кетар...” [8]

МУҲОКАМА

Мазкур мақолада А.Қодирий минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган тасаввуфий тушунча ва ғоялар XX аср бошларига келиб, мазмуни ва моҳияти тубдан ўзгарганини ва

бундай ўзгаришларни “асослаш” учун авом томонидан турли ривоятлар яратилганлигини кўрсатади.

Ҳолбуки, ислом тасаввуфи юксак даражада ривожланган X-XIII асрларда “таваккул” тасаввуфда сўфий маънавий-руҳий камолотининг энг юксак мақоми ҳисобланган. Бундай ҳол ва мақомга эришган сўфий бошига тушган яхшилик ва ёмонликни ҳам, бахт ва бахтсизликни ҳам Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси сифатида мутлақо хотиржамлик билан кутиб олган. XIV асрдан кейин Туркистонда вужудга келган Нақшбандия тариқати АҚШ Индиана университетининг профессори Девин ди Уиснинг фикрича, Яссавия тариқати билан аёвсиз рақобатлашган, кўпинча, Нақшбандия Яссавияни сиёсий воситалар орқали сиқиб чиқаришга эришган. [9] Маълумки, Нақшбандия XVII-XVIII асрларда сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, бойлик орттириш воситасига айланган. Бу эса сохта тариқатчи ва шайхларнинг оддий юмуши бўлиб қолган эди.

А.Қодирийнинг “Икки оғиз тариқатдан ҳам бўлсун. Ҳангома” номли мақоласи, биринчидан, Нақшбандия тариқатининг Туркистондаги машҳур шайхи Миён Бузрук Соҳибзода ва Яссавия тариқатининг Тошкентлик шайхи Ҳазрат Эшон ўртасида рақобат бўлганлигини, иккинчидан, тариқат пешволарининг молу дунёга хирс кўйишининг аянчли оқибатлари аёвсиз фош этилади.

“Бултур ўзимизнинг Ҳазрат Эшон ҳам Миён Бузрукнинг рақобатиға “даҳа” (масжидда ўн кун эртадан кечгача ибодат қилиш) ўлтиришни одат қилуб кўрган эдилар, натижа жуда яхши чиқди. Ўн еттита хилватхона тикилди. Ўттиз бешта муридлар даҳага ўлтирдилар. Ҳазрат Эшон меҳробда, ҳалқанинг бир чеккасида иккита ҳофиз, бир пайт зикр, бир пайт ҳикматдан ҳофизлик, йиғи-сиғи, аросат! Бу вақтда тош битиб кетканлар ҳам эрийдир, дуо олиш учун бир онда эшон бобомиз қоғоз оқча билан меҳроб аралаш кўмилган... ким ўғул талаб, ким қиз талаб, ҳой бовур, нима тилагингиз бўлса, қўл дуода, хонақаҳ ичи қизгин бозор.

...Эшонимизнинг “Илми ботинлари” (тасаввуфий илм) кўб бўлса ҳам “Илми зоҳирия” (Шариат илми)лари бироз бемазароқ. ...Ҳар ҳолда дунёда эр зоти қуриған кўринадир.” [10]

А.Қодирий ислом дини туб асосларини билмайдиган чала мулла ёки илмига амал қилмайдиган муллаларнинг ўқитиш усуллари яроқсизлигини кўрсатиш учун “Наҳс босқан экан” мақоласида Кашмирлик фолбин тилидан Туркистон муллалари ҳақида: “Истикболингиз жуда ажиб: кўрганлар дармонда, кўрмаганлар армонда, йигитларингиз ҳеч очқайлар, кўбларингиз табдили сурат (қиёфасини ўзгартириб) эшак, ҳўкиз ва маймунлашқайлар; уламоларингизнинг ишлари тағин ҳам қизик: бечоралар миядан ажралиб, лозимларини салла қилғайлар ва кўча-кўйларда во дино во шарийото”(эй диним, эй шариятим), деб чопушиб юргайлар.” [11]

А.Қодирийнинг тасаввуфий қарашларининг илмий асосларини теранроқ англашда унинг “Жасорат – айб эмас” мақоласи муҳим аҳамиятга эга. Муаллиф мақоласида XIII асрда Испанияда яшаб ижод қилган машҳур сўфий Муҳйиддин ибн Арабий (1273 йил вафот этган) нинг мусулмон оламида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган “Ваҳдат ул вужуд” таълимотидан яхши хабардор эканлигини маълум қилар экан, “Бу кунгача биз Муҳйиддин Арабийгагина эмас, ҳатто ўзимизнинг Абдуллатифларга (Мирзо Улуғбекнинг ўғли – К.К) ҳам тил тегизиш ҳамоқатида бўлмадик (яъни биз буни аҳмоқлик деб билдик) ва бўлмаймиз. Арабий билан ўз даражамизни яхши билиб, Арабий олдида офтобдан бир

зарра бўлмаганлигимизни яширмаймиз. Ҳали жаҳла мураккабга (илмдан келадиган жаҳолатга) қолғунимизча йўқ. Лекин шуниси бор: Арабийнинг кўрган тушларига, олами мисолига ишонмак мажбурияти бизда йўқ. ([12])

А.Қодирий ўзининг қатор мақолаларида фақат Туркистон мусулмонларининггина эмас, балки Туркиядаги мусулмонларнинг истиқболлари ҳақида қайғурди. Чор Россиясининг Туркистонни босиб олганидан сўнг Эски Шаҳардаги муқаддас кадамжоларнинг европалик йигит-қизлар томонидан кечалари базми жамшидга айлантририлишини “Нафси шайтон” мақоласида кескин танқид қилиб:

“Ҳангома талаб бўлсанг
Шайхантахурга йўрта бер.
Бир ноз эгаси қанжук –
Минг думсизни ўйнатур.

Бир янги мусулмон эски мусулмонларга хитобан шундай дейди:

“Номиға мусулмонлар,
Ҳақликда қуруқ жонлар!
Булғатди бобонг устин
На бўлди мусулмонлик!”

Яна бирови Шайхантахур бобога қараб:

Устингда ўтар ҳар тун
Бир минг жўра ҳайвонлик.
Эрдинг-ку валийлардан
На бўлди бузурвонлик (улуғлик)? – дейдир.” [13]

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Қодирий Ислом дини асослари, тасаввуф ғояларини чуқур билибгина қолмай, унга бутун умр бўйи сидкидилдан амал қилди. Адибнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини унинг ижтимоий-публицистик мақола ва асарларидан ҳам илғаш мумкин. Ўзининг тасаввуфий руҳдаги мақолаларига “Муҳиббул тариқат Жулқунбой” деб имзо қўйди. Шубҳасиз, А.Қодирийнинг асарларида илгари сурилган диний-тасаввуфий ғоялар ёш авлодни иймон-эътиқодли, фаол ва баркамол кишилар қилиб тарбиялашда ноёб манбадир.

REFERENCES

1. Ш.М.Мирзиёев. “Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” асари, Т. “Ўзбекистон нашриёти, 2017 й. 469-бет.
2. У.Тешабоева. “Мангуликка даҳлдор адиб”. (А.Қодирий таваллудининг 125 йиллиги. А.Навоий номидаги Миллий кутубхона нашр.) 2019 й.
3. Р.Х.Рузиева. “Абдулла Қодирий ижодида миллий ва умуминсоний маданий қадриятлар уйғунлигининг фалсафий таҳлили” диссертация/ (фалсафа фан. номзоди / Р. Х. Рузиева. – Тошкент, 1999. – 157 б.)
4. Л.Тошмухамедов. “Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари” диссертация ва автореферат. (Л. Тошмухамедова ; Ўзбекистон Респ. ФА, А. Навоий номидаги Тил ва адабиёт ин-ти. – Тошкент, 2005.– 26 б.
5. Абдулла Қодирий. Беш жилдлик. I-V жилдлар. Тошкент Info Capital Group, 2017.

6. Абдулла Қодирий. Беш жилдлик. I-V жилдлар. Тошкент Info Capital Group, 2017. 27-бет.
7. Қ.Рўзमतзода. Хожамназар Хувайдонинг тасаввуфий қарашлари. Т.: “Zilol buloq”, 2019. 9-бет.
8. Абдулла Қодирий. Беш жилдлик. I-V жилдлик. III-жилд. “Диёри бакр”. Тошкент Info Capital Group, 2017. 186-бет.
9. Девин ди Уис. Машойихи турк и Хожагон: переосмысления традиции Яссавия и Накшбандия|| Суфизм в Центральной Азии (Зарубежные исследования). Сборник статей. – Санкт-Петербург, 2001. с. 242-243.
10. А.Қодирий. Диёри бакр. III жилд. Т., 2017. 170-171 бетлар
11. А.Қодирий. Диёри бакр. III жилд. Т., 2017. 192 бет.
12. А.Қодирий. Диёри бакр. III жилд. Т., 2017. 150 бет.
13. А.Қодирий. Диёри бакр. III жилд. Т., 2017. 137 бет.